

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.FM.02.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИМАМНАЗАРОВ ДАВРОН ХАМРАЕВИЧ

**ЎТКИНЧИ МЕТАЛЛ ПАРАМАГНИТ ҚОТИШМАЛАРНИНГ
ЭЛЕКТРОН СТРУКТУРАСИ ВА КИНЕТИК ХОССАЛАРИ**

01.04.09 – Магнит ҳодисалари физикаси

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
физико-математическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
physical-mathematical sciences**

Имамназаров Даврон Хамраевич

Ўткинчи металл парамагнит қотишмаларнинг электрон структураси ва
кинетик хоссалари 3

Имамназаров Даврон Хамраевич

Электронная структура и явления переноса парамагнитных сплавов
переходных металлов..... 23

Imamnazarov Davron Hamrayevich

The electronic structure and transport phenomena in paramagnetic alloys of
transition metals 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.FM.02.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИМАМНАЗАРОВ ДАВРОН ХАМРАЕВИЧ

**ЎТКИНЧИ МЕТАЛЛ ПАРАМАГНИТ ҚОТИШМАЛАРНИНГ
ЭЛЕКТРОН СТРУКТУРАСИ ВА КИНЕТИК ХОССАЛАРИ**

01.04.09 – Магнит ҳодисалари физикаси

**физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд– 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2019.4.PhD/FM448 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Қувондиқов Облоқул Қувондиқович физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Эшпулатов Барот Эшпулатович физика-математика фанлари доктори, профессор Ибадов Рустам Мустафаевич физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.FM.02.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил « 4 » 03 соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиббони, 15 уй. Тел.: (99866) 239-13-87, 239-11-40; факс: (99866) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Физика факультети, 1-қават, 63-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 23 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиббони, 15 уй. Тел.: (99866) 239-13-87, 239-11-40; факс: (99866) 239-11-40).

Диссертация автореферати 2022 йил «16» 02 кунни тарқатилди.
(2022 йил «15» 02 даги 18- рақамли реестр баённомаси).



М.Х.Ашуров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., академик

Р.М.Ражабов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.н., доцент

Д.И.Семенов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги Илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ҳозирги вақтда электрон тузилиши жиҳатдан тартибли бўлмаган кристалл ва аморф қотишмаларнинг кинетик хоссаларини когерент потенциал усули (КПУ) ёрдамида ўрганиш конденсирланган ҳолат физикасининг асосий муаммоларидан бири бўлиб, илмий изланишлари тез ривожланаётган истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади. Кейинги вақтларда ўткинчи металллар (ЎМ) асосидаги парамагнит қотишмалар кинетик хоссалари (солиштирама электр қаршилик ва Холл эффекти)нинг концентрация ва температурага боғлиқ ҳолда ўзгаришларида кузатилаётган аномал физик хоссаларнинг мавжудлиги уларнинг электрон тузилишини назарий жиҳатдан ўрганишга катта қизиқиш уйғотмоқда.

Дунёда ЎМ лар асосидаги қотишмаларнинг назариясини яратишдаги қийинчиликлар, бу қотишмалар кристалл панжарасидаги даврий потенциалнинг йўқлиги ҳамда ЎМ нинг ўзига хос электрон тузилишига эга эканлиги билан боғлиқдир. Айниқса, электр қаршилик ва Холл коэффициентлари қотишмаларнинг электрон структурасига жуда сезгирлиги сабабли, бу эффектларни ўрганиш қотишмаларнинг электрон тузилиши ҳақида зарур маълумотларни олиш имконини беради. КПУ билан ўткинчи металллар асосидаги қотишмаларнинг электронлар ҳолат зичлиги ва кинетик хоссаларини заряд ташувчиларнинг сочилиши кучли бўлганда, sd-гибридланишни эътиборга олган ҳолда ўрганиш ва хулосалар қилиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг амалий ривожланишига, жумладан, саноатда кенг фойдаланиладиган ўткинчи металллар асосидаги тартибсиз ва аморф қотишмаларда юз берадиган физик ҳодисаларни тадқиқ қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун бундай қотишмаларнинг электрон структураси ва кинетик хоссаларини концентрация ҳамда температурага боғлиқ ҳолда ўзгаришларини ўрганиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида¹ физика фанини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларга мос фундаментал ва амалий масалаларни ҳал қилишга қаратилган илмий тадқиқотларни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармони, 2021 йил 19 мартдаги ПҚ-5032-сон “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил, 30 декабрь, №275-276 (7746-7747), 1-бет.

қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация Республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда ўткинчи металллар асосидаги қотишмаларнинг электрон структураси ва кинетик хоссаларини ўрганишга бағишланган тажриба ва назарий ишлар ортиб бормоқда. Бу илмий изланишлар тартибли системаларда кузатиладиган ва тартибсиз системалар учун характерли бўлмаган кенг кўламли кинетик хоссалар билан боғлиқдир.

Чет эл олимлари М.А.Новсон ва G.J.Morganлар (Англия) тартибсиз системаларда гибридлашувнинг электрон структура ва Холл коэффициентига таъсирини ўрганиб, аномал дисперсияли энергетик соҳада Холл коэффициентининг ишораси ўзгаришини кўрсатдилар. К.Левин (АҚШ), В.Великы (Чехия), Н.Еhrenreich (Англия), F.Brouers (Бельгия), М.Вrauwers (Франция) ва Н.Фукуяма (Япония)лар бинар кристалл қотишмаларда КПУёрдамида электронларнинг сочилиши кучли бўлганда солиштирма электр қаршилиқнинг концентрацияга боғлиқ ҳолда ўзгаришида Нордгейм қонуниятидан четланишларга олиб келишини кўрсатдилар ҳамда Холл коэффициенти когерент потенциалнинг мавҳум қисмига боғлиқ бўлмай, бир зонали моделда ўз ишорасини зонанинг марказида ва икки зонали s-d моделда эса d-зонадан чиқишда ўзгартиришини аниқлаганлар.

Рус олимлари Ю.П.Ирхин, Е.И.Кондорский, А.В.Ведяев, А.Б.Грановский, А.Н.Волошинскийлар кучли ўзаро таъсир ва гибридизациянинг қотишмаларнинг электрон структурасига ва кинетик хоссаларига таъсирини ўргандилар. Ушбу тадқиқотлар орқали аномал Холл коэффициентининг таъсири натижасида нормал Холл коэффициенти ўз ишорасини манфийдан мусбатга ўзгартириши мумкинлиги аниқланган ва бунда гибридизация ҳам асосий роль ўйнаши кўрсатиб берилган.

Ўзбекистонлик олимлар, хусусан проф. О.Қ.Қувондиқов, проф. У.Усаров, доц. И.Б.Субҳонқулов, доц. Н.Хамраев, доц. Р.М.Ражабовлар ушбу соҳани ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар. Улар конденсирланган ҳолат физикасининг кинетик ва магнит хоссаларини кенг миқёсда тадқиқ қилиб, кристалл ва аморф ҳолатдаги қотишмаларда турли хил сочилиш механизмларини концентрация ва температурага боғлиқ ҳолда ўзгаришларини ўргандилар.

Охириги йилларда чоп этилган адабиётлар шарҳи шуни кўрсатадики, тартибсиз системаларнинг электрон тузилиши ва кинетик хоссалари бўйича ягона назария яратилмаган, бундан ташқари гибридизация табиатининг қотишмалар электрон структурасига ва кинетик хоссаларига таъсири етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2/7 d.q.r. 01860103966-рақамли “Ўткинчи ва сийрак ер металлари қотишмалари, интерметаллик бирикмалари, тоғ жинслари минералларининг электр, магнит ва гальваномагнит хоссаларини қаттиқ ва суюқ ҳолатда ўрганиш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Тартибли бўлмаган кристалл ва аморф парамагнит қотишмаларда солиштирма электр қаршилик ва нормал Холл коэффициентини умумлаштирилган икки зонали гибридлашган s-d модел асосида заряд ташувчиларнинг сочилиши кучли ҳамда s-d гибридлашувни эътиборга олган ҳолда КПУ асосида назарий жиҳатдан ўрганиш, шунингдек, ЎМ асосидаги кристалл ва нокристалл парамагнит қотишмаларда классик магнитоқаршилик назариясини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

электронлар тезлигининг зоналараро матрица элементларини эътиборга олган ҳолда солиштирма электр ўтказувчанлик (СЭЎ) тензорининг диагонал ва нодиогонал ташкил этувлари учун умумий ифодаларни келтириб чиқариш ва уни таҳлил қилиш;

моделли ҳолатлар зичлиги - ярим эллиптик кўринишдаги Хаббард модели ва қотишмаларнинг реал ҳолатлар зичлиги учун сонли ҳисоблашларни амалга ошириш;

ўткинчи ва нодир металл асосидаги икки компонентали кристалл ва аморф қотишмаларнинг электрон структураси ва кинетик хоссаларига гибридлашув ҳамда кучли сочилишнинг таъсирини ўрганиш;

ўткинчи металл қотишмаларда Лоренц кўринишидаги магнитоқаршилик учун умумий ифодани келтириб чиқариш ва уни эркин электронлар модели асосида таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ЎМ асосидаги кристалл ва аморф ҳолатдаги икки компонентали қотишмалар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида электронлар тезлигининг зоналараро матрица элементларини эътиборга олган ҳолда умумлашган s-d моделнинг когерент потенциал усулида СЭЎ ва Холл коэффициенти учун умумий ифодаларни келтириб чиқариш ҳамда кинетик хоссаларнинг концентрация ва температурага боғлиқ ҳолда ўзгаришларини ҳам модели, ҳам реал электрон ҳолатлар зичлиги учун аниқлаш, шунингдек, парамагнит қотишмаларда кучли сочилиш бўлган ҳолда классик магнитоқаршилик эффектларини назарий жиҳатдан ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда Грин функцияси методи ва кўп каррали сочилиш назариясига асосланган КПУ дан ҳамда кинетик хоссаларни тавсифлашда Кубо-Гринвуд формуласидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

икки зонали умумлаштирилган s-d моделнинг бир тугунли когерент потенциал усулида ўткинчи металл асосидаги тартибсиз парамагнит қотишларнинг солиштирма электр ўтказувчанлик σ , нормал Холл эффекти

коэффициенти R_0 учун назарий ҳисоблашлар бажарилган. Бунда ρ ва R_0 умумий ифодаларига тезликнинг зоналараро матрица элементлари билан боғлиқ бўлган тузатмалар киритилди;

маълум бир шароитларда гибридлашув билан боғлиқ бўлган кўшимча ҳадлар кичик бўлмай, қотишма таркибига кирувчи компоненталарнинг концентрацияси ўзгариши билан R_0 нинг ишораси манфийдан мусбатга ўзгариши кўрсатилган;

кучли сочилиш ва гибридлашувнинг таъсири натижасида солиштирма электр қаршилиқнинг концентрацияга боғлиқ ҳолда ўзгаришида Нордгейм қонуниятидан четланиш мавжудлиги аниқланган;

кучли сочилишнинг таъсири натижасида солиштирма электр қаршилиқнинг температурага боғлиқ ҳолда ўзгаришида Ферми энергиясининг d -зонанинг ичидаги жойлашишига қараб, унинг температура ошиши билан камайиши ёки ўзгармай қолиши аниқланган;

ЎМ асосидаги тартибсиз қотишмаларда классик магнетоқаршилиқ назарияси КПУ нинг бир зонали моделида ва Кубо формализми асосида ўрганилган. Бунда кўндаланг магнитоқаршилиқ дисперсия қонуни изотроп бўлган ҳолда, яъни заряд ташувчиларнинг сочилиши Борн характерида бўлмаган ҳолда нолга тенг бўлмаслиги ҳамда магнитоқаршилиқ сочилиш интенсивлиги ошиши билан Ферми сатҳининг ёйилишига мутаносиб равишда ўсиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

олинган натижаларда ва ўрнатилган қонуниятларда кучли ўзаро таъсир ва гибридлашувнинг тартибсиз системаларнинг электрон структураси ва кинетик хоссаларига таъсири сезиларли эканлиги кўрсатиб ўтилган;

олинган натижалар тартибсиз системаларнинг кинетик хоссаларини ўрганишнинг ривожига фундаментал аҳамиятга эга бўлиши бир вақтда кўпгина тажриба натижаларини тушунтириб беришда фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда ўрганилган тартибсиз системаларнинг электрон структураси ва кинетик хоссаларини тадқиқ қилишда қўлланилган КПУ математик усуллари афзаллиги; диссертация ишида олинган назарий натижаларнинг тажрибада кузатилган натижаларга ўзаро мос келганлиги; олинган натижаларнинг мавжуд физик тасаввурлар ва бошқа усуллар билан ҳамда илмий адабиётларда келтирилган маълумотларга зид келмаслиги билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, диссертация ишида тартибсиз кристалл ва аморф қотишмаларнинг электрон структураси ва кинетик хоссаларининг ўзига хос хусусиятлари бўйича таҳлил қилинган назарий қарашлар натижалари тажрибада олинган концентрацион ва температуравий боғланишларни тушунтириб беришга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган натижалар тартибсиз системалар ҳақидаги физик тасаввурларни ривожлантиришга, мавжуд бўлган тажриба натижаларидан қотишмаларнинг микроскопик харак-

теристикаларини аниқлашда, солиштирма электр қаршилик ва Холл коэффициентларининг температурага ва концентрацияга боғлиқ ҳолда ўзгаришлари қонуниятлари бу эффектларни паст ва юқори температураларда олиб бориш зарурлигига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши. Ўткинчи металллар асосидаги парамагнит қотишмаларнинг кристалл ва аморф ҳолатдаги электрон структураси ва кинетик хоссаларини ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

sd-гибридлашувнинг ўткинчи металллар асосидаги аморф парамагнит қотишмаларнинг электрон структураси ва кинетик хоссаларига таъсири натижалари 15–03–04182-рақамли “Фундаментальные закономерности процесса газофазного синтеза металлических нанокластеров, используемые методами многомасштабного компьютерного моделирования” фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган тадқиқотларда фойдаланилган (Россия ФА Урал Бўлими Металлургия институтининг тадқиқот далолатномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши металл нанокластерларнинг ҳосил бўлиш механизмини тушунтириш ва уларнинг электрон структурасини моделлаштириш имконини берган;

электронларнинг дисперсия қонуни изотроп бўлиб, уларнинг сочилиши кучли бўлган ҳолда Лоренц магнитоқаршилиги электронлар ҳолатининг Ферми сатҳидаги сўнишига мутаносиб бўлиши натижасидан 2007-2011 йилларга мўлжалланган ИТД–14–027-рақамли «Ионлар имплантацияси ёрдамида ҳосил қилинган квант нуқтали наноматериаллардан Қуёш энергетикасида фойдаланиш» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 октябрдаги 89–03–4305-сон маълумотномаси). Олинган натижалар квант нуқтали наноматериалларнинг колоссаль магнитоқаршилигини баҳолаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 2 та халқаро конференция ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатида 11 та илмий мақола (4 та республика ва 7 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, иккита илова, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 33 та расм ва 5 та жадвални ўз ичига олган ҳолда 131 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотларнинг республика фан ва техника тараққиётининг асосий устивор йўналишлари билан боғлиқлиги аниқланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, вазифа ва мақсаднинг шакллантирилганлиги, аниқланган объектлар, тадқиқот усули ва предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги тушунтирилган, олинган натижалар ишончлилигининг асосланганлиги, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очилганлиги, ишнинг апробацияси ва натижаларнинг жорий қилиниши ҳақида қисқача маълумотлар ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми келтирилган.

Диссертациянинг “**Ўткинчи металллар асосидаги тартибсиз қотишмаларда кинетик ҳодисалар**” деб номланган биринчи бобида ўткинчи металллар асосидаги тартибли бўлмаган кристалл ва аморф қотишмаларнинг электрон структураси, солиштирама электр ўтказувчанлиги, термо-э.ю.к. ва Холл коэффицентларининг концентрацияга боғлиқлигига доир муҳим назарий ва экспериментал ишлар кўриб чиқилди. Биринчи боб охирида диссертация ишининг мақсади ва вазифалари келтирилган.

Диссертациянинг “**Тартибсиз қотишмаларнинг электр қаршилиги, термо-э.ю.к. ва Холл эффекти умумлашган s-d моделда**” деб номланган иккинчи бобида тартибсиз кристалл қотишмаларнинг электрон структураси, солиштирама электр қаршилиги ва НХЭ коэффиценти электронларнинг зоналараро тезликларини v_{sd} эътиборга олган ҳолда КПЯ да назарий ҳисоблашлар амалга оширилган. Бу ҳисоблашларнинг асосийсини солиштирама қаршилиқ ва Холл коэффиценти ташкил қилади. Маълумки, ферромагнит металлларда Холл майдони ва Холл қаршилигининг магнитланишга боғлиқлиги қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$E_y = R_0 B_z j_x + R_s 4\pi M_z j_x; \quad \rho_H = E_y / j_x = R_0 B_z + R_s M_z \quad (1)$$

бунда B – магнит майдон индукцияси, M – магнитланиш катталиги, j – ток зичлиги, x, y, z – декарт координаталари. (1) ифодадаги биринчи ҳад Лоренц кучининг таъсири туфайли юзага келувчи НХЭ R_0 доимийси бўлиб, у кучсиз магнит майдони яқинланишида қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$R_0 = \frac{\sigma_{xy}(B)}{\sigma_{xx}^2 B}, \quad (2)$$

бунда σ_{xx} – магнит майдони нолга тенг бўлгандаги СЭЎ тензорининг диагональ ташкил этувчиси, σ_{xy} – эса магнит майдонидаги СЭЎ тензорининг нодиагональ ташкил этувчиси. (1) ифодадаги иккинчи ҳад эса аномал Холл эффекти (АХЭ) доимийси бўлиб, у ушбу ишда қараб чиқилмайди.

Диссертация ишининг асосини ташкил қилувчи бинар тартибсиз қотишмалар $A_x B_{1-x}$ ($y=1-x$) учун икки зонали гибридлашган модел келтирилган бўлиб, бу моделни иккиламчи квантланиш методининг Ваннье кўринишида қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$\mathcal{H}_0 = \sum_{m \neq n} t_{mn}^s a_{sm}^+ a_{sn} + \sum_n \varepsilon_n^s a_{sn}^+ a_{sn} + \sum_{m \neq n} t_{mn}^d a_{dm}^+ a_{dn} +$$

$$+ \sum_n \varepsilon_n^d a_{dn}^+ a_{dn} + \sum_{m,n} \gamma_{mn} (a_{sm}^+ a_{dn} + a_{dm}^+ a_{sn}), \quad (3)$$

бунда s - и d – зона индекслари, $\varepsilon_n^{s(d)}$ – $s(d)$ -зонадаги сочилиш потенциаллари бўлиб, улар мос равишда x ва y эҳтимолият билан $\varepsilon_A^{s(d)}$ ва $\varepsilon_B^{s(d)}$ қийматларни қабул қилади, a_{in}^+, a_{in} ($i = s, d$) – i электроннинг n тугунда пайдо бўлиши ва йўқолиши оператори, $t_{mn}^{s(d)}$ – $s(d)$ -электроннинг сакраш интеграллари бўлиб, КПУ нинг бир тугунли вариантыда трансляцион-инвариант кўринишда эга бўлиб, электронлар дисперсия конунининг $\varepsilon_{s(d)}(k)$ в \mathbf{k} -фазодаги Фурье-образлари орқали аниқланади:

$$t_{mn}^{s(d)} = (1/N) \sum_{\mathbf{k}} \varepsilon_{s(d)}(\mathbf{k}) e^{i\mathbf{k}(\mathbf{R}_m - \mathbf{R}_n)} \quad (4)$$

ва γ_{mn} – гибридлашув потенциалнинг матрица элементлари:

$$\gamma_{mn} = (1/N) \sum_{\mathbf{k}} \gamma(\mathbf{k}) e^{i\mathbf{k}(\mathbf{R}_m - \mathbf{R}_n)} \quad (5)$$

(3) гамильтонианнинг ўнг томонидаги биринчи иккита ҳад s -зонани бир зонали моделда, учинчи ва тўртинчи ҳадлар эса d -зонани бир зонали моделда ва сўнгги ҳади s - ва d -зоналар орасидаги гибридлашувни характерлайди. Электрон спектрини ҳисоблашда гибридлашув параметрини γ_{mn} квазиимпульсга \mathbf{k} боғлиқ эмас деб ҳисоблаймиз, лекин электр ўтказувчанлик ва Холл доимийсини ҳисоблашда тезликнинг зоналараро матрица элементларини ҳисобга оламиз. (3) гамильтонианга КПУда импульс \mathbf{k} га боғлиқ бўлмаган хусусий-энергетик қисмини $\Sigma(z)$ киритиб, ўртачалоштирилган Грин функцияларини $\langle G_{\alpha\beta}(k, z) \rangle$ аниқлаймиз. $G_{\alpha\beta}(k, z)$ билан бундай эффектив муҳитнинг Грин функцияси $\langle G_{\alpha\beta}(k, z) \rangle$ ўртасида қуйидаги муносабат ўринли, яъни:

$$G_{\alpha\beta}(k, z) = \langle G_{\alpha\beta}(k, z) \rangle + \langle G_{\alpha\beta}(k, z) \rangle T(z) \langle G_{\alpha\beta}(k, z) \rangle \quad (6)$$

бунда $T(z)$ – тўлиқ сочилиш матрицаси. (6) муносабатни ўртачалоштириш натижасида когерент потенциални $\Sigma(z)$ ўз-ўзига мослаштиришнинг шарти келиб чиқади, бунда сочилиш матрицаси $T(z)$ когерент потенциалга боғлиқ бўлади. Бир марказли яқинлашиш билан чегараланиб, $\langle T(z) = 0 \rangle$ шартдан, бир марказли сочилиш шарти сифатида қуйидагига эга бўламиз:

$$\tau(z) = x\tau^A(z) + y\tau^B(z) = 0, \quad (7)$$

бунда $\tau^A(z)$ ва $\tau^B(z)$ – икки қаторли матрицалар 2×2 :

$$\tau^{A(B)}(z) = \{1 - [\varepsilon^{A(B)} - \Sigma(z)]F(z)\}^{-1} [\varepsilon^{A(B)} - \Sigma(z)], \quad (8)$$

$$F(z) = \begin{vmatrix} F_{ss}(z) & F_{sd}(z) \\ F_{ds}(z) & F_{dd}(z) \end{vmatrix}, \quad (9)$$

бунда $F_{\alpha\beta}(z)$ – Грин функциясининг диагональ матрица элементлари бўлиб, улар ўртачалоштирилган Грин функциялари орқали аниқланади:

$$\langle G(k, z) \rangle = \langle (z - \mathcal{H}_0)^{-1} \rangle = \begin{vmatrix} z - \varepsilon_s(k) - \Sigma_{ss}(z) & -\Sigma_{sd}(z) \\ -\Sigma_{ds}(z) & z - \varepsilon_d(k) - \Sigma_{dd}(z) \end{vmatrix}^{-1}, \quad (10)$$

$$F(z) = \langle 0|G(z)|0 \rangle = \frac{1}{N} \int_{-\infty}^{\infty} d\eta \sum_k \delta[\eta - \varepsilon_s(k)] G(\eta; z) = \int_{-\infty}^{\infty} g_0^s(\eta) G(\eta; z) d\eta. \quad (11)$$

Бу ерда Ванье скобкаси $|0\rangle$ икки компонентали векторни $\{|0\rangle_s, |0\rangle_d\}$ ифодалайди ва (11) ифода $F(z)$ функцияни гибриданмаган s -холоатлар зичлигининг бирлик холоатлар зичлигига нормаллаштирилган $g_0^s(\eta)$ функцияси билан интеграл боғланишини аниқлайди. (6-7) ифодалардан биринчи марта Совен томонидан киритилган КПУ да ўз-ўзини мослаштириш шартини ҳосил қилиш мумкин:

$$\Sigma(z) = \bar{\varepsilon} - [\varepsilon^A - \Sigma(z)]F(z)[\varepsilon^B - \Sigma(z)], \quad (12)$$

бунда $\bar{\varepsilon} = x\varepsilon^A + y\varepsilon^B$ ва

$$\varepsilon^{A(B)} = \begin{vmatrix} \varepsilon_s^{A(B)} & \gamma^{A(B)} \\ \gamma^{A(B)} & \varepsilon_d^{A(B)} \end{vmatrix}. \quad (13)$$

(6-7) шартлар бажарилганда, $G_{\alpha\beta}(k, z) = \langle G_{\alpha\beta}(k, z) \rangle$ бўлади, яъни қотишманинг конфигурацион-ўртачалаштирилган Грин функцияси эффектив муҳитнинг Грин функцияси билан мос тушади. $F_{\alpha\beta}(E^+)$ (11) ифодаси энди (12) муносабат билан бирлаштириб, ҳосил бўлган тенгламалар системасини итерация методи билан тўлиқ ўз-ўзига мослашгунча ечиш керак, бунда бошланғич кадамда $\Sigma(z) = \bar{\varepsilon}$ деб олинади.

Электронларнинг тўла холоатлар зичлиги

$$g(E) = g_s(E) + g_d(E) \quad (14)$$

бўлиб, унинг ташкил этувчилари қуйидагича аниқланади:

$$g_s(E) = -2\pi^{-1} \text{Im} F_{ss}(E^+) \quad (15)$$

$$g_d(E) = -10\pi^{-1} \text{Im} F_{dd}(E^+) \quad (16)$$

бунда 2 ва 10 кўпайтувчилари s - ва d -зоналардаги электронлар сони.

Диссертацияда (3) ифода билан аниқланган қотишма модели ва Кубо-Гринвуд формуласидан фойдаланган ҳолда кубик панжарали қотишмаларнинг статик электр ўтказувчанлиги σ_{xx} ва Холл ўтказувчанлиги $\sigma_{xy}(B)$ учун қуйидаги умумий ифодалар келтириб чиқарилган:

$$\sigma_{xx} = \sigma_{xx}^{ss} + \sigma_{xx}^{dd} + 2\sigma_{xx}^{sd} + 2(\sigma_{xx}^{sd})', \quad (17)$$

бунда

$$\sigma_{xx}^{ss} = 2 \frac{2e^2 \hbar}{3\pi\Omega} \int \left(-\frac{\partial f}{\partial \eta} \right) \sum_k v_{ss}^2(k) [\text{Im} G_{ss}(k, \eta^+)]^2, \quad (18)$$

$$\sigma_{xx}^{dd} = 10 \frac{2e^2 \hbar}{3\pi\Omega} \int \left(-\frac{\partial f}{\partial \eta} \right) \sum_k v_{dd}^2(k) [\text{Im} G_{dd}(k, \eta^+)]^2, \quad (19)$$

$$\sigma_{xx}^{sd} = \sqrt{20} \frac{2e^2 \hbar}{3\pi\Omega} \int \left(-\frac{\partial f}{\partial \eta} \right) \sum_k v_{ss}(k) v_{dd}(k) [\text{Im} G_{sd}(k, \eta^+)]^2, \quad (20)$$

$$\begin{aligned} (\sigma_{xx}^{sd})' = & \sqrt{20} \frac{2e^2 \hbar}{3\pi\Omega} \int \left(-\frac{\partial f}{\partial \eta} \right) \sum_k \{ v_{sd}^2(k) [\text{Im} G_{ss}(k, \eta^+)] [\text{Im} G_{dd}(k, \eta^+)] + \\ & + 2v_{ss}(k) v_{sd}(k) [\text{Im} G_{ss}(k, \eta^+)] [\text{Im} G_{sd}(k, \eta^+)] + \end{aligned}$$

$$+2v_{dd}(k)v_{sd}(k)[ImG_{dd}(k, \eta^+)][ImG_{sd}(k, \eta^+)]. \quad (21)$$

ва


$$\begin{aligned} \langle \sigma_{xy}(B) \rangle = & \left(\frac{\hbar^2 e^3 B}{\pi^2 c \Omega} \right) \int d\eta \left(-\frac{df(\eta)}{d\eta} \right) \left\{ \sum_{\substack{k \\ \alpha\beta}} c_{\alpha\beta} [M_{xy\alpha\alpha}^{-1}(k)v_x^{\alpha\alpha}(k)v_y^{\beta\beta}(k) - \right. \\ & - M_{xx\alpha\alpha}^{-1}(k)v_y^{\alpha\alpha}(k)v_y^{\beta\beta}(k)] \Gamma_{\alpha\beta}(k; \eta) \frac{\partial R_{\alpha\beta}(k; \eta)}{\partial \varepsilon_{\alpha\alpha}(k)} + \\ & \sum_{\substack{k\alpha\beta \\ \alpha \neq \beta}} 4c_{\alpha\beta} \{ [M_{xy\alpha\alpha}^{-1}(k)v_x^{\alpha\alpha}(k)v_y^{\alpha\beta}(k) - M_{xx\alpha\alpha}^{-1}(k)v_y^{\alpha\alpha}(k)v_y^{\alpha\beta}(k)] \times \\ & \times \Gamma_{\alpha\alpha}(k; \eta) \frac{\partial R_{\alpha\beta}(k; \eta)}{\partial \varepsilon_{\alpha\alpha}(k)} + \sum_{\substack{k\alpha\beta \\ \alpha \neq \beta}} 4c_{\alpha\beta} [\frac{\partial^2 \gamma(k)}{\partial k_x \partial k_y} v_x^{\alpha\alpha}(k)v_y^{\beta\beta}(k) - \\ & - \frac{\partial^2 \gamma(k)}{\partial k_x^2} v_x^{\alpha\alpha}(k)v_y^{\beta\beta}(k)] \times \Gamma_{\alpha\alpha}(k; \eta) \frac{\partial R_{\alpha\beta}(k; \eta)}{\partial \varepsilon_{\alpha\alpha}(k)} + \\ & + \sum_{\substack{k\alpha\beta \\ \alpha \neq \beta}} 2c_{\alpha\beta} \left[\frac{\partial^2 \gamma(k)}{\partial k_x \partial k_y} v_x^{\alpha\alpha}(k)v_y^{\alpha\beta}(k) - \frac{\partial^2 \gamma(k)}{\partial k_x^2} v_y^{\alpha\alpha}(k)v_y^{\alpha\beta}(k) \right] \times \\ & \left. \times \Gamma_{\alpha\alpha}(k; \eta) \frac{\partial R_{\beta\beta}(k; \eta)}{\partial \varepsilon_{\alpha\alpha}(k)} \right\}, \quad (22) \end{aligned}$$

бунда e – электроннинг заряди, \hbar - на 2π га бўлинган Планк доимийси, Ω – системанинг ҳажми, $f(\eta)$ - Ферми-Дирак тақсимот функцияси, $c_{ss}=2$, $c_{sd}=c_{ds}=\sqrt{20}$, $c_{dd}=10$ – доимийлар; $\Gamma_{\alpha\beta}(k; \eta)$ ва $R_{\alpha\beta}(k; \eta)$ - Грин функциясининг $G_{\alpha\beta}(k; \eta)$ мавҳум ва реал қисмлари; $\Sigma_{\alpha 2}$ и $\Sigma_{\alpha 1}$ – когерент потенциалнинг $\Sigma_{\alpha\beta}$ мавҳум ва реал қисмлари; $\gamma(k)$ - гибридлашув потенциаллари; $\varepsilon_{\alpha}(k)$ - α -электронларнинг дисперсия қонуни; $M_{ij\alpha}^{-1}(k)$ – электронлар эффектив массалари тензорининг тескари қиймати бўлиб, у электронлар дисперсия қонунидан аниқланади, яъни: $M_{ij\alpha\alpha}^{-1}(k) = \frac{1}{\hbar^2} \frac{\partial^2 \varepsilon_{\alpha}(k)}{\partial k_i \partial k_j}$; $v_i^{\alpha\alpha}(k)$ ва $v_i^{\alpha\beta}(k)$ – мос равишда электронларнинг зоналар ичидаги ва зоналараро тезлигининг матрица элементлари бўлиб, улар дисперсия қонуни ва гибридлашув потенциалдан аниқланади: $v_i^{\alpha\alpha}(k) = \frac{1}{\hbar} \frac{\partial \varepsilon_{\alpha}(k)}{\partial k_i}$ ва $v_i^{\alpha\beta}(k) = \frac{1}{\hbar} \frac{\partial \gamma(k)}{\partial k_i}$ ($\alpha \neq \beta$ бўлганда); γ – гибридлашув доимийси.

Хусусий ҳолда битта s - ёки d -зона бўлганда юқоридаги формулалардан электр ўтказувчанликнинг σ Велицкий томонидан бир зонали қотишма моделида олинган ифодасини ҳосил қилиш мумкин. Иккита зонали гибридлашувсиз ($\gamma \rightarrow 0$) бўлган ҳолда σ_{sd} ва $(\sigma_{sd})'$ ҳадлар нолга тенг бўлиб, тўлиқ электр ўтказувчанлик σ ва Холл ўтказувчанлиги $\sigma_{sd}(H)$ s - ва d -зоналарнинг алоҳида-алоҳида олинган ташкил этувчилари йиғиндисига тенг бўлади, яъни: $\sigma = \sigma_{ss} + \sigma_{dd}$. Умумий ҳолда эса тезликнинг зоналараро матрица элементлари ҳисобга олинганда Грин функциясининг махражи комплекс

ўзгарувчига нисбатан тўртинчи даражадаги алгебраик тенглама бўлиб, унинг тўртта комплекс илдизларини аналитик кўринишда топишнинг иложи йўқ. Шунинг учун гибридлашув эътиборга олинганда, кучсиз сочилиш бўлганда ҳам сонли ҳисоблашларни амалга ошириш лозим бўлади.

Диссертациянинг учинчи боби “**Моделли ва ҳақиқий системаларнинг кинетик коэффицентларини ҳисоблаш**” га бағишланган бўлиб, модели ҳисоблашда қотишма таркибига кирувчи элементларнинг зона параметрлари Хаббарднинг ярим эллиптик кўринишдаги электронлар ҳолат зичлиги ҳамда электронлар тезлиги учун Велицкий ва Фукуяма томонидан келтирилган яқинланишларидан фойдаланилади. Бунда s - зонанинг ярим кенглиги $\omega_s=7$ эВ, s - ва d -зоналар ўртасидаги муносабат коэффиценти $\alpha=0,2$, s -зонадаги сочилиш параметри $\delta_s=1,4$ эВ, d -зонадаги сочилиш параметри $\delta_d=2,8$ эВ, гибридизация доимийси $\gamma=1$ эВ га тенг деб танлаб олинган. Моделли ҳисоблаш натижалари 1-расмда келтирилган.





1-расм. Ҳолатлар зичлиги (—), электр ўтказувчанликнинг диагональ (—), электр ўтказувчанликнинг нодиагональ (—) тескари ишора билан ва Холл коэффицентининг (—) тескари ишора билан олинган қийматларининг Ферми сатҳи энергиясидан боғлиқлиги графиклари.

Расмдан кўринадики, ε^A и ε^B сатҳлар яқинида жойлашган d -ҳолатлар зичлиги чўққисидан узоқроқ энергиялар соҳасида диагональ электр ўтказувчанлик σ_{xx} нинг парциал ташкил этувчилари бир-биридан бир бирлик даражада фарқ қилганлиги учун тўла электр ўтказувчанлик максимал қийматга эга бўлади. Агар Ферми сатҳи d -резонанс сатҳлар атрофида бўлса, парциал ташкил этувчилар каттаклари бир хил тартибда таққосланарли даражада бўлади ва тўлиқ электр ўтказувчанлик нисбатан минимумга эришади, чунки $\varepsilon_F \approx \varepsilon^A$ ёки $\varepsilon_F \approx \varepsilon^B$ бўлганда катта d -ҳолатлар зичлиги билан билвосита sd -сочилишнинг биргаликдаги таъсири натижасидир. sd -ўзаро



таъсир катта бўлганлиги сабабли улар s -электронларнинг в d -зонага эффектив сочилишига олиб келади ва ўтказувчанликнинг парциал ташкил этувчилари катталиклари бўйича таққосланарли даражада бўлади. Икки резонанс d -чўққилари орасидаги соҳада когерент потенциалнинг мавҳум қисми максимал қийматга эришади ва бу энергия соҳаларида ўтказувчанликнинг парциал ташкил этувчилари бир-биридан жуда катта фарқ қилади ($\sigma_{dd} \ll \sigma_{ss}$). Шунинг учун бу соҳада тўла электр ўтказувчанлик ўзининг нисбатан максимал қийматига эришади. Бу эса Броуэрс-Ведяевлар натижаларига мос келади. Нодиагонал электр ўтказувчанликнинг σ_{xy} Ферми энергиясидан боғлиқлиги Холл коэффициентининг R_0 катталиги ва ишорасига сезиларли даражада таъсир қилади ва Холл коэффициентининг ишораси s -зонанинг тубида манфий бўлиб, зонанинг чўққисида мусбат бўлади. Худди шундай натижалар бир зонали ва икки зонали моделларда ҳам кузатилган. Лекин у натижалардан фарқли равишда R_0 нинг ишора ўзгаришлари $\varepsilon_F \sim \varepsilon^B$ матрица атрофида юз беради, ваҳоланки, бир зонали моделда зонанинг марказида рўй берса, икки зонали моделда эса d -зонадан чиқишда юз беради. Бундай бўлишининг асосий сабаби йиғинди Холл ўтказувчанлиги σ_{xy} га айнан электронларнинг зоналараро тезлиги туфайли пайдо бўлган ҳадларнинг таъсири натижасидир.

Бу модел $\text{Au}_x\text{Ag}_{1-x}$ қотишмалари учун қўлланилиши куйида келтирилган. 2- ва 3-расмларда мос равишда СЭЎ тензорининг диагонал ва нодиагонал қисмлари ташкил этувчиларининг Ферми энергиясидан боғлиқлиги, шунингдек электр қаршилик ва Холл коэффициентининг концентрацияга боғлиқлиги графиклари келтирилган. 2-расмдан кўринадики, d -ҳолат ҳади Ферми энергияси сатҳининг d -чўққи томон силжиши билан ошиб бораверади ва ҳолатлар зичлигининг $N(E)$ максимал қийматлари атрофидаги соҳада асосий ҳад бўлиб қолади. Ферми энергиясининг ε_F исталган ҳолатида ушбу ишда биринчи марта олинган $(\sigma_{sd})'$ ҳад, гибридизацион ҳадга σ_{sd} қараганда катта бўлиб, у билан бир хил энергетик боғланишга эга. Бу ҳадлар σ_{sd} ва $(\sigma_{sd})'$ d -ҳолатлар тўлмаган ҳолда тез ошиб боради. Au-Ag қотишмаларида Ферми сатҳи d -чўққидан ташқарида жойлашган бўлишига қарамасдан, тўлиқ СЭЎ σ Ферми сатҳи ҳолатига кучли боғлиқ бўлади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бу когерент потенциал ҳақиқий қисмининг $\text{Re}\Sigma_{aa}(E)$ шу энергиялар соҳасида кескин ўзгариши билан боғлиқ экан. 2-расмдан кўриш мумкинки, Ферми энергияси d -зонадан ташқарида бўлганда, йиғинди Холл ўтказувчанлиги σ_{xy} га кирувчи ҳамма ҳадлар манфий бўлиб қолади ва гибридизацион потенциалнинг \mathbf{k} -га боғлиқлигидан келиб чиққан $(\sigma_{sd})'$ ҳад σ_{sd} ҳаддан катта бўлади. d -зона чўққиси яқинида σ_{dd} ҳад мусбат бўлиб қолади, σ_{sd} ва $(\sigma_{sd})'$ ҳадлар эса турли хил энергетик боғлиқликка эга.

Солиштирма электр қаршилик $\rho = \sigma^{-1}$ ва Холл коэффициенти R_0 нинг концентрацияга боғлиқлигининг назарий ҳисоблашлари тажриба натижалари билан таққослаш шуни кўрсатадики, ҳисоблашлар модели бўлишига қарамасдан қониқарли натижага олиб келади. Шуни таъкидлаш жоизки, қотишма таркибига қараб тезликнинг зоналараро матрица элементлари билан боғлиқ бўлган ҳад 40-50% ни ташкил қилади.



2-расм. Au₄₀Ag₆₀ қотишмасы учун диагональ σ_{xx} (чапда) ва нодиагональ σ_{xy} (ўнгда) парциал ва тўлиқ СЭҶ ning энергияга боғлиқлиги графиклари.
 (бунда $\sigma_0 = \frac{4v_m^2 e^2 \hbar}{3\pi^2 \Omega}$, $\sigma_H = \frac{-2v_m^4 e^3 \hbar^2 B}{9\pi^3 c \Omega}$).



3-расм. Au_cAg_{1-c} қотишмаларда электр қаршилик ρ (чапда) ва Холл коэффициентини R_0 ning (ўнгда) концентрацияга боғлиқлиги:
 ○ – ҳисоблаш; — тажриба.

Ўткинчи металллар асосидаги бинар аморф қотишмаларда кинетик ҳодисаларни ҳисоблашда олдин КПУ да гибриланган $s-d$ модел учун нодиагональ тартибсизлик эътиборга олинган ҳолда эффектив қотишманинг бир заррачали Грин функцияси ҳисобланади. Бунда сакраш интегралли худди кристал-

лардаги каби битта ёки учта қийматни қабул қилмай, аморф қотишмаси атомларининг жуфт тақсимланиш функцияси орқали аниқланадиган Гаусс тақсимот функцияси ёрдамида узлуксиз қийматларни қабул қилади.

Ушбу йўл билан аниқланган аморф қотишмасининг электрон структура-си кейинчалик уларнинг кинетик хоссаларини ҳисоблашда кристалл қотишмалар учун ишлаб чиқилган ифодаларни қўллаш ёрдамида амалга оширилади.

Бундай қотишмаларнинг ҳолатлар зичлигини $N(E)$ ҳисоблаш натижалари шуни кўрсатадики, бунда $N(E)$ иккита чўққига ажралиб, *Cu* билан боғлиқ чўққи Ферми энергиясига нисбатан катта қийматга силжийди ва бирмунча тораяди. Ферми сатҳидаги аморф қотишмалар *Cu-Zr* нинг ҳолатлар зичлиги *Zr* нинг *d*-ҳолатлари билан аниқланади ва қотишма таркибидаги *Zr* нинг концентрацияси ошиб бориши билан у ҳам ошиб бораверади. Аморф қотишмаларда *Cu-Zr* *s*-ва *d*-зоналар кенгликлари турли хил бўлганлиги сабаб-ли нодиагонал тартибсизликларни келтириб чиқаради, бу эса *d*-электронлар-нинг энергетик жиҳатдан қайта тақсимланишига олиб келади ва миснинг *d*-электронлари валент зонанинг тубида, *Zr* нинг *d*-симметрияли электронлари эса Ферми сатҳи яқинида локаллашган бўлади (4-расм).





Рис. 4. Аморф қотишмалар *Cu-Zr* да парциал ва тўлиқ ҳолатлар зичлигининг эквивотом (А) ва учта концентрациялар учун (Б) энергетик боғлиқлиги графиклари. Вертикал чизиқлар қотишманинг Ферми сатҳини кўрсатади. Рамкачада ЛМТО методи ёрдамида $Cu_{50}Zr_{50}$ қотишмаси учун ҳисоблаш натижаси келтирилган.

Электр ўтказувчан-лик тензорининг диагонал ва нодиагонал қисмлари парциал ташкил этувчи-ларини ҳисоблаш натижалари шуни кўрсатадики (5-расм), *d*-ҳолатлар билан боғлиқ ҳад Ферми сатҳининг миснинг *d*-чўққиси томон силжиши билан тез ошиб борди, бу эса шу энергияга мос келувчи ҳолатлар зичлигининг катта бўлишидадир. Шунингдек, Ферми сатҳининг исталган ҳолатида электронлар тезлигининг зоналараро матрица элементлари билан боғлиқ бўлган ҳад $(\sigma_{sd})'$ гибридизацион σ_{sd} ҳад билан бир хил

